ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

28 март, шанба 1998 йил №36 (538)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:
2-бетда
АМАЛДА БЎЛГАНИ ЯХШИ
3-бетда
ТВ ДАСТУРИ
4-бетда
ЛОЛАЛАРНИНГ РАНГИ ҚИЗИЛ

## ҲАМЖИҲАТЛИК - ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЙЎЛ



*Суратда: Олий мажлиснинг янги биносини кўздан кечириш пайти.*

*Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.*

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ўртасидаги Давлатлараро Кенгаш мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев, Қирғизистон Президенти А.Акаев ҳамда Тожикистон Президенти И.Раҳмонов 26 март куни Тошкентга келди.

Ўзбекистон Президентининг Дўрмон қароргоҳида юқори мартабали меҳмонларни Президент Ислом Каримов қарши олди. Шу ерда Президентларнинг ўзаро музокаралари бошланди. Мулоқот чоғида Президентлар Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, халқаро ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеалар тўғрисида ўзаро фикр алмашдилар.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти ниҳоясига етгач, расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Учрашув кун тартибидан жой олган биринчи масала Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши бўлди. Томонлар ушбу масала бўйича ўз муносабатларини баён этди. Тожикистон Республикасининг Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида якдил фикрга келинди.

Музокараларда халқаро консорциумлар тузиш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари, БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастури /СПЕКА/, Марказий Осиё батальони /«Центразбат»/ фаолияти, минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, уч мамлакат бош вазирлари кенгаши раислиги, Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида шу кунга қадар имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида давом этаётган ҳамкорлик ўзининг ижобий самараларини бераётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ушбу шартнома доирасида йирик халқаро консорциумлар тузишга алоҳида эътибор қаратилаётганини юқори баҳолаш мумкин. Бу орқали минтақага чет эл инвестициясини жалб этиш имкониятлари янада кенгаяди. Музокараларда БМТнинг ЭКЕ, ЭСКАТО ташкилотлари, Россия Федерацияси вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этди.

Музокаралар сўнггида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида 1994 йил 30 апрелда имзоланган Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Тожикистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги Протокол, минтақавий интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисида тўрт давлат раҳбарларининг Баёноти, Халқаро сув-энергетика консорциуми тўғрисидаги Қарор, тўрт мамлакат ўртасида қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги Битим, шунингдек «Центразбат-97» ўқув машқлари якуни ва «Центразбат-98» машқларни ўтказиш тўғрисида, Шартнома доирасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёнини назорат қилиш тартиби тўғрисида, тўрт мамлакат Бош вазирлари кенгаши раиси ҳақида ва Давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисини ўтказиш тўғрисидаги Қарорлар, Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг махсус дастури (СПЕКА) тўғрисидаги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот конференцияси бўлди.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов, Тожикистон Республикасининг Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартномага қўшилганини муҳим воқеа сифатида таъкидлади.

- Ушбу воқеа бошқа мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортиши шубҳасиз, - деди Ислом Каримов. - Биринчидан, бу халқларимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш, ўтиш даври муаммоларини биргаликда бартараф этиш имкониятини кенгайтиради. Биз мавжуд табиий, иқтисодий, маънавий имкониятларимизни том маънода кенгайтираяпмиз. Ўзимизни бир бутун минтақа сифатида яна ҳам яққолроқ намоён этишимиз мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари фақат замонавийлик ёҳуд интеграция учунгина ҳамкорлик қилаётгани йўқ. Бунинг асл сабаби биз тарихан ўзаро яқин халқлармиз.

Ягона иқтисодий макон барпо этиш шартномаси доирасидаги ҳамкорлик ҳақида гапирганда эса бир нарсани таъкидлаш керакки, бирон-бир томоннинг манфаатларига зид келадиган қарор қабул қилмаймиз. Мавжуд қарорлар олдимизга қўйган мақсадларимизга мувофиқдир. Яна бир карра айтмоқчиманки, бизнинг ҳамкорлигимиз ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Бугунги учрашувда қабул қилинган баёнотда олдимизга қўйган мақсадимиз аниқ баён этилган.

Фурсатдан фойдаланиб, учрашув иштирокчилари ва улар орқали қардош мамлакатлар халқларини барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Наврўз байрами билан қутлайман.

Матбуот анжуманида Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бераётгани Президентлар томонидан таъкидланди. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев барча интеграцион блоклар ичида айнан Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро иқтисодий интеграцияси йўлида имзоланган ҳамма ҳужжатлар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини айтди.

Президентлар МДҲ доирасидаги воқеалар, минтақада хавфсизлик ва барқарорлик ҳамда иқтисодиётга таллуқли масалалар юзасидан ҳам ўз фикрларини баён этдилар.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Тошкент доимо муҳим қарорларни қабул қилишга кўмаклашиб келган, деган сўзлари Тошкент учрашувининг аҳамиятини яна бир карра таъкидлагандек бўлди. Ёдимизда борки, Ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартнома ҳам бундан тўрт йил муқаддам Тошкентда имзоланган эди.

Сўнгра Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Давлатлараро Кенгаш мажлиси тугаганидан сўнг олий мартабали меҳмонлар Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Тошкентда қад кўтарган янги иншоотлар билан танишдилар.

Меҳмонлар дастлаб Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки янги биносига ташриф буюрдилар. Давлат раҳбарлари бу ерда ишнинг қандай йўлга қўйилгани, хусусан, банк операцияларини амалга ошириш жараёни, ахборот алмашув, тезкорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги имкониятлар билан яқиндан танишдилар.

Шундан сўнг олий даражали меҳмонлар «Юнусобод» теннис мажмуини бориб кўрдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг, хусусан, Президент Ислом Каримовнинг мамлакатда спортни кенг тарғиб қилиш ва уни ривожлантиришга катта эътибор бераётганини юксак баҳоладилар.

**(ЎзА).**

## ОЛИЙ МАЖЛИСГА ТАШРИФ

27 март куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган уч қўшни мамлакат раҳбарлари - Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Олий Мажлисининг янги биносига ташриф буюрдилар. Пойтахт кўркига кўрк қўшиб турган, ўзида замонавий ва анъанавий меъморчиликнинг кўплаб услубларини мужассам қилган, жозибадор нақшлар ва ўймакорлик санъатининг нафис намуналари ҳамда нозик безаклар билан ишланган ушбу бинони меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Олий мартабали меҳмонлар компьютерлаштирилган ва ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган зал, у ерда кузатувчилар, журналистлар учун алоҳида ажратилган бўлмалар, турли тоифадаги меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган махсус хоналарга эга мазкур бино жаҳон андозаларига тўла мос эканини айтдилар.

Меҳмонлар бу ерга ташриф давомида Олий Мажлис фаолияти, Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида юз берган сўнгги янгиланишлар, парламентлараро алоқалар қай даражада ривож топаётгани ҳақида батафсил маълумот олдилар. Олий Мажлис раиси Эркин Халилов Президентларга Олий Мажлиснинг эсдалик нишонларини топширди.

Шу куни олий мартабали меҳмонлар ўз юртларига жўнаб кетдилар. Пойтахт аэропортида меҳмонларни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кузатиб қолди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## *ФАРМОНИ*

### Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида

Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадиий баркамол саҳна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Театр арбоблари уюшмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг театр ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси негизида Маданият ишлари вазирлиги тизимида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда «Ўзбектеатр» бирлашмасини ташкил этиш билан боғлиқ ижодий, ташкилий, молиявий-хўжалик ва ишлаб-чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбектеатр» бирлашмаси Театр ижодкорлари уюшмаси, театр ташкилотлари ва ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш тузилмаси ҳисобланиб, мулкчилик шакллари ва қайси идорага таллуқли эканидан қатъи назар, мамлакатдаги барча давлат театрлари, театр-студиялари, халқ театрлари жамоалари ва бошқа тегишли ташкилотларни ихтиёрий равишда бирлаштиради.

4. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги инобатга олинсин:

театр ва театр-студиялар ижодий жамоаларини халқимизнинг бой маънавий дунёси, маданий мероси, миллий ва умумбашарий қадриятларимизга эҳтиром туйғуларини мадҳ этувчи, истиқлолни улуғловчи ёрқин саҳна асарлари яратишга йўналтириш, шунингдек, ватанпарварлик ғояларини, миллий-эстетик тамойилларни тарғиб қилишга қаратилган ташаббус ва ҳаракатларни рағбатлантириш;

ўзбек халқ томоша санъатлари /халқ анъанавий театри, майдон томошалари, байрамлар/ соҳасидаги бой тарихий меросни чуқур ўрганиш, тадқиқотлар, ўқув қўлланмалари яратиш учун шарт-шароит туғдириш;

ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш, театрларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ашёлар билан таъминлаш;

театрлар жамоалари, режиссёрлар, драматурглар, бастакорлар, рассомлар ва балетмейстерларга долзарб мавзуларда буюртмалар бериш, республика ва халқаро миқёсда кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиш, хорижий мамлакатларга гастроллар уюштириш, илмий анжуман, симпозиум ва семинарлар ўтказиш, турли мукофот ва совринлар таъсис этиш;

иқтидорли ёшларни излаб топиш ва малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда олий ва ўрта-махсус ўқув юртларига яқиндан ёрдам бериш;

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Камолот», «Умид», «Олтин мерос» ва бошқа жамғармалар ёрдамида ёш ижодкорлар санъатини тарғиб қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, мамлакатимизда ва чет элларда таълим олиш ҳамда малака оширишларини уюштириш.

5. Миллий театр ва оммавий томоша санъатлари ютуқларини кенг тарғиб этиш мақсадида «Театр» ойлик адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали нашр этилсин.

6. Театр санъати маънавият ва маърифатни юксалтиришнинг қудратли воситаларидан бири эканлигини назарда тутиб, жойларда бу санъат ривожи билан боғлиқ ишларни изчил амалга оширишни масъулияти Маданият ишлари вазирлиги билан бир қаторда, тегишли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг зиммасига юклансин.

7. «Ўзбектеатр» бирлашмасининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида бирлашманинг «Артмадад» номли махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар жамғарма ҳаммуассислари бўлиши мумкин. Жамғарманинг таъсис мажлиси бир ой муддат ичида ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамғарма Низомини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Артмадад» жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида унинг ҳисоб рақамига эллик миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Тошкент шаҳар Ҳамза кўчаси 49-, 51-уйларни таъмирласин ва уларга «Ўзбектеатр» бирлашмасининг марказий аппарати, унинг жамғармаси ҳамда Театр ижодкорлари уюшмасини жойлаштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги биргаликда Тошкент давлат санъат институтининг драма, мусиқали театр, қўғирчоқ театри, кино, телерадио, саҳна рассомлиги, санъат менежменти бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш доирасини кенгайтириш, ўқитиш услубини жаҳон андозалари даражасига кўтариш чора-тадбирларини кўрсинлар.

Республика театр ташкилотларининг, айниқса, вилоятлардаги театр муассасаларининг малакали драматург ва режиссёрларга бўлган катта эҳтиёжини ҳисобга олиб, олий маълумотли, иқтидорли ёшлардан драматург ва режиссёрлар тайёрловчи икки йиллик олий курслар ташкил этилсин. Белгилаб қўйилсинки, ушбу курслар давлат буюртмаси ва шартнома асосида фаолият юритади.

10. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тасарруфига кирувчи театр ташкилотларининг бинолари қурилиши ва таъмирланиши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, Тошкент давлат санъат институти ва унинг 400 ўринли ётоқхонаси янги биноларини лойиҳалаш ва қуриш учун тегишли маблағ ажратишни 1999-2000 йиллар режасига киритсин.

11. Театр ходимларини ижтимоий ҳимоялаш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия, Меҳнат, Маданият ишлари вазирликлари ҳамда «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр муассасаларининг ихтисослаштирилган тизимини, республика, вилоят, шаҳар, туман, халқ ва ҳаваскорлик ҳамда хусусий мақомлари ва ижодий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар.

Шу билан бирга, театр ташкилотларига қўшимча молиявий манбалар топиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида уларнинг гастроль-концерт ва шартномалар асосидаги бошқа хизмат фаолиятидан тушадиган маблағлари, ҳомийлик ва инвестициялар, шу жумладан, чет эл инвестицияларидан имтиёзли фойдаланиш ҳамда театр жамоасини рағбатлантириш тартибини белгилайдиган Низом икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

12. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси уч ой муддат ичида театр ижодий ходимларига квалификация бериш, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва бошқа мукофотларга тавсия этиш бўйича уларнинг, айниқса, ёшларнинг бутун фаолияти давомида касбий ва ижодий ўсиш жараёни хусусиятларини ҳисобга олувчи Низом ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсинлар.

13. «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар барча турдаги солиқлардан ва божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилсин.

Солиқдан озод этилиши натижасида йиғилган маблағларнинг мамлакатимизда театр-томоша санъатларини, илмий-тадқиқот ва нашр ишларини янада ривожлантиришга, бирлашманинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашга, ижодкорларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига сарфланиши белгилаб қўйилсин.

Театр санъати ривожига ҳомийларни жалб қилиш мақсадида уларнинг фойдадан тўлайдиган солиқ бўйича базаси «Ўзбектеатр» бирлашмаси, унинг таркибидаги муассасалар ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорига монанд қисқартирилиши назарда тутилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу фармонда кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни қоплаш учун маблағ ажратсин.

15. Ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда тегишли қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.Каримов**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 26 март

## ЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, ҳаётга танқидий-таҳлилий қарашни кучайтириш» мавзуида семинар-кенгаш иш бошлади.

Анжуманни Оммавий ахборат воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедов очди.

Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев кириш сўзида сўнгги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ва демократлаштиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлади. 1990 йилда Ўзбекистонда 200 та газета нашр этилган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 700 тага етди. Матбуотни қўллаб-қувватлаш ва уларда сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди. Бундан ташқари, матбуотга, журналистик фаолиятга доир қонунлар қабул қилинди.

Демак, журналистларимизнинг фаолияти қонун билан кафолатланди.

Тўртинчи ҳокимиятнинг демократлашуви жамиятнинг демократлашувига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов «Оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, танқидий-таҳлилий маданиятни шакллантиришнинг асосий тамойиллари», Олий Мажлис ахборот ва матбуот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ҳ.Одилқориев «Оммавий ахборот воситалари тараққиётининг ҳуқуқий кафолатлари. Ҳуқуқий-танқидий таҳлил» мавзуларида маъруза қилди.

Маърузалар юзасидан музокараларда «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири О.Шарафиддинов, «Ўзтелерадиокомпания» раиси А.Кўчимов, «Ўзбекистон овози» - «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири А.Суюн, Жиззах вилоят телерадиокомпанияси раиси Т.Мақсудов, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов ва бошқалар мамлакатимизда матбуотни демократлаштириш йўлида маълум ютуқларга эришилганлигини, бу жараённи янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-кенгашда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов иштирок этди.

Анжуман 28 март куни ўз ишини давом эттиради.

**(ЎзА).**

*Март- ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги*

## ИЖОБИЙ САМАРАЛАР - ҲАМКОРЛИК ҲОСИЛИ

***Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 февралдаги фармойишига биноан ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигини намунали якунлаш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти?***

***Мухбиримиз щу савол билан Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлими бошлиғи, милиция майори Карим Санақуловга мурожаат қилди.***

- Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлими ходимлари ҳам бу борада фаоллик кўрсатмоқдалар. Йўл-транспорт нохуш ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилаётир.

Шу кунгача 5289 марта йўл ҳаракати қоидаларининг бузилганлиги қайд этилди. Шунингдек, чорраҳадан ўтишда 687 марта, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш ҳолати 259 марта, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб машина бошқариш ҳолати 95 марта содир этилган.

Ойликнинг аҳамиятини кенг тарғиб этиш мақсадида автохўжаликлар билан ҳамкорликда автопойга ўтказилди. Бундан ташқари маҳаллалар, боғча ва мактаблар, корхона ва ташкилотларда баҳс кечалари ҳамда қизиқарли мулоқотлар уюштирилди.

Ушбу ойлик ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашда, турли кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Шу боис вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят ва шаҳар ички ишлар бошқармалари раҳбариятлари ушбу тадбирга ўзига хос эътибор билан қарамоқдалар. Бошқармаларда ҳар кунги мунтазам равишда ҳисоб-китоб ишлари ташкил этилган.

Шунингдек, автокорхоналар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳам бундан кейин доимий равишда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсалар, давлат автомобил назорати ходимлари билан учрашув мулоқотларни мазмунли ташкил этишга ҳаракат қилсалар, нур устига аъло нур бўлар эди. Ўйлаймизки, ҳамкорлик натижалари ўз самарасини беради.

**Суҳбатдош Маҳбуба ҲАЙИТОВА.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан бирлашган тожик мухолифати раҳбарларини Тожикистоннинг Кофарнихон районидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга чақирди. Нью-Йоркда эълон қилинган Кофи Аннан баёнотида айтилишича, Тожикистон ҳукумати ва мухолифат Кофарнихонда тинчлик ўрнатиш йўлида биргаликда ҳаракат қилмоғи керак. Тожик мухолифати қуролли гуруҳи ва ҳукумат қўшини ўртасида икки кун давом этган отишма натижасида 20 га яқин киши ҳалок бўлган.**

* * *

Германия пойтахти Бонн шаҳрида собиқ Югославия бўйича махсус гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сербияга қарашли Косово ўлкасидаги можаролар муҳокама этилди. Анжуманда иштирок этган давлатлар ташқи ишлар вазирлари Югославия ҳукуматини Косово можаросини тинч йўл билан ҳал этишга чақирдилар.

* * *

**Германия канцлери Гельмут Коль ҳамда Франция президенти Жак Ширак Россия президенти Борис Ельцин билан учрашиш учун Москвага ташриф буюрдилар. Уч давлат раҳбари музокараларида дунёдаги айрим можароли ҳодисалар борасида фикр алмашилди. Жумладан, томонлар Сербиянинг Косово ўлкаси ҳамда Ироқ муаммолари, Европа хавфсизлиги масалаларини муҳокама этдилар.**

* * *

Бағдодда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус гуруҳи президент саройларидан бирига кирди. Хорижий экспертлар бундай имкониятга Форс курфазида уруш тугаганидан буён биринчи бор эга бўлдилар. Махсус гуруҳ таркибига кирган халқаро дипломатлар гуруҳи вакилларининг баёнотига кўра, яқин икки ҳафта ичида Бағдоддаги 7 та президент саройлари текшириб кўрилади.

* * *

**Эрондан олинган хабарга кўра, Саудия Арабистонига ҳаж зиёратига борган эронлик зиёратчиларга ёмон муносабатда бўлинган. Эрон ҳукумати матбуот котибининг баёнотида айтилишича, ҳаж вақтида эронлик зиёратчиларнинг китоблари тортиб олинган, мутаассиб унсурлар уларга пўписа қилган. Эрон ҳукумати Саудия Арабистони расмийларини келажакда бу каби ҳодисаларнинг олдини олишга чақирган.**

* * *

Европа ҳамжамиятининг бошқарув органи бўлган Европа комиссияси раҳбарияти берган баёнотга кўра, ҳамжамиятнинг 11 давлати ягона «евровалюта»га қўшилади. Европанинг ягона валютаси 1999 йилда муомилага чиқарилиши кутилмоқда.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.**

*Ҳамкорлик*

# «БАХТИЁРМАН, ХУРСАНДМАН»

**деб эътироф этди ҳиндистонлик Таракешвар Чакраборти.**

Касаба уюшмалари фаолиятини ўрганиш, тажриба алмашиш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизга 22 мартда Умумҳиндистон Банк хизматчилари Ассоциациясининг Бош котиби Таракешвар Чакраборти бошлиқ делегация келган. 27 мартда делегацияни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова билан учрашди.



Учрашувда Д.Жаҳонгирова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг тармоқлари, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида делегацияга гапириб берди. Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда касаба уюшмалари фаол қатнашаётганини таъкидлади. Жаноб Таракешвар Чакраборти мамлакатимиз касаба уюшмалари бирликда иш олиб бораётганидан мамнунлигини изҳор этди. Делегация Ўзбекистон касаба уюшмаларининг жамоа шартномаларини тузиш, ишсизликни бартараф этиш, аҳоли ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ўрни билан қизиқди.

Жаноб Таракешвар Чакраборти Умумҳиндистон Банк хизматчилари Ассоциация фаолияти билан таништирди.

-Мана беш кундирки Ўзбекистондамиз. Бу ерга келиб кўрганларимиздан ниҳоятда бахтиёрман, хурсандман. Ҳозирги кунда Ҳиндистонда 1 миллиардга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда,-деди Таракешвар Чакраборти.-Асримизнинг 20-йилларидан бошлаб, касаба уюшмалари тузила бошланган. Партиялар эмас, балки касаба уюшмалари инглиз мустамлакасига қарши курашда олдинги сафда бўлди. Жавоҳарльал Неру касаба уюшма фаолларидан бўлгани бежиз эмас.

Мамлакатда касаба уюшмалари кўп. Чунончи 9 та Банк касаба уюшмаси мавжуд. Умумҳиндистон Банк хизматчилари Ассоциацияси энг йириги ҳисобланади. 1946 йили тузилган мазкур касаба уюшмасининг 600 минг аъзоси бор.

Ҳиндистонда 17 та расмий тил бўлиб, ундан асосийси ҳинду ва инглиз тиллари ҳисобланади. Турлича дин, урф-одат ва ақидалари бўлган мамлакатда касаба уюшмалари мустақил фаолият кўрсатаётгани меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишдаги муаммоларни бартараф этишда қийинчиликлар туғдирмоқда. Йилига 18 млн. фарзанд дунёга келаётир. 50 млн. киши ишсиз. Аҳолининг 52 фоизи ўқиш-ёзишни, 75 фоизи эса қишлоқ хўжалиги билан банд.

Давлатда эл саломатлигини муҳофаза этиш аҳолини етарли ичимлик сув билан тўла таъминлаш, ёш авлодга билим беришни яхшилаш касаба уюшмалари олдидаги энг долзарб вазифалардандир. Аҳолини озиқ-овқат, ер ва уй-жой билан таъминлаш кескин бўлиб турибди. Касаба уюшмалари муаммоларни бартараф этишга катта эътибор бермоқда. Иш ўринларини кенгайтиришни диққат эътиборда тутмоқда. Афсуски, мақсадга етишга касаба уюшмаларининг биргаликда эмас, балки тарқоқ ҳолда фаолият кўрсатаётгани тўсқинлик қилмоқда. Ҳозир кун тартибига барча касаба уюшмаларини бирлаштириш, ҳамкорликда иш олиб бориш қўйилган. Касаба уюшмалари бирлиги таъминланмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

-Мамлакат касаба уюшмалари бирлашса, биз ютамиз,-деди сўзининг охирида жаноб Таракешвар Чакраборти,-тарқоқ ҳолда иш олиб бораверса, меҳнаткаш манфаатини ҳимоя қилишда мағлуб бўлишимиз мумкин.

Томонлар суҳбатда ўзаро тажриба алмашдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, Ўзбекистон-Ҳиндистон давлатлари ривожида касаба уюшмалари ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Жаноб Таракешвар Чакраборти Д.Жаҳонгировани Ҳиндистонга таклиф этди. Бу таклиф самимият билан қабул қилинди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Расулов, раис ўринбосари З.Қодиров, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари касаба уюшма ходимлари Марказий Қўмитаси раиси Ж. Олимхўжаева, Умумҳиндистон Банк хизматчилари Ассоциациясининг аъзоси Нариндер Румар Гаур иштирок этди.

**Х. МИРЗАЕВ.**

***Суратда: учрашув пайтида.***

**Р.Галиев сурати.**

*Касаба уюшма ҳаёти: санаторийларда оилавий даволаниш*

# ...ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧ

***Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай инсонлар бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия маконидир. Оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асосидир. 1998 йил оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан мустақил юртимизда деярлик ҳар бир жойда тадбирлар тузилиб амалга оширилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳузуридаги санаторий-курортлар бошқармасида ҳам бу борада талай ишлар қилинмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Будир Пўлатов бошқарма бошлиғининг ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Н.Муродовга бир неча саволлар билан мурожаат этди.***

**- Насриддин Нуриддинович, оила йили муносабати билан бошқарма тузган тадбирлар тўғрисида сўзлаб берсангиз.**

- Оиланинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги, тинчлиги албатта оила аъзоларининг, айниқса ёш авлоднинг саломатлигига кўп даражада боғлиқдир. Бошқармамиз ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрликка жавобан ўз тасарруфидаги сиҳатгоҳларда оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш, соғломлаштириш ишларини ташкилий юқори даражасига эришиш, бу ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида қатор тадбирлар тузган.

Имкониятлардан келиб чиқиб оилавий дам олувчилар учун ҳар бир сиҳатгоҳда алоҳида ётоқ бинолари ажратилди. Оилавий йўлланмалар билан келган дам олувчилар учун бир қатор қулай шароитлар яратилди. Тузган тадбиримизда шунингдек, болаларнинг яхши ҳордиғини уюштириш масаласи ҳам акс этган. Унга мувофиқ ўйин хоналарини ташкил этиш ва тарбиячи кадрлар билан таъминлаш масаласи қўйилган.

Шубҳасиз, сиҳатгоҳларда бундай ишларни қовуштиришнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Улар маълум талаблар асосида бўлмоғи даркор. Шунга мувофиқ санаторийлар маъмуриятларига намунали даволанишни уюштириш билан бирга ошхоналарда оилавий дам олувчилар учун алоҳида жойлар ажратиш ва хизмат маданиятини ошириш топширилди. Шунингдек, таомларни буюртма асосида тайёрлашни ташкил этиш, дори-дармонга бой сабзавот, мевалар, шарбатлар билан таъминлашга эътибор бериш, бу борада дам олувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш қайд этилди.

Оила йили муносабати билан тузилган тадбиримиз кенг қамровга эга. Сиҳатгоҳларда моддий томонлар билан бирга маънавий томонларга ҳам диққат кучайтирилган. Жойларда кутубхоналар ишини қайта ташкил этиш, уларни турли ёшдаги дам олувчилар учун мос адабиётлар билан тўлдириш кўрсатилган. Шу жумладан, ёш авлодни Ватанга, оилага садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашга оид адабиётлар билан бойитиш таъкид этилган. Шу билан бирга ёш томошабинлар театри, Республика қўғирчоқ театри жамоалари билан шартнома тузиб санаторийларда томошалар кўрсатиш, санъаткорлар билан учрашувлар, турли кечалар ўтказиш, дам олувчиларни экскурсияларга олиб бориш, умуман маданий ҳордиқ чиқаришга алоҳида эътибор бериш топширилган. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

**- Оила йили юзасидан тузилган тадбирлар ҳақида сўзлаб бердингиз. Жойларда уларнинг ижроси қандай бўлмоқда?**

- Аввало шуни айтиш керакки, биз тадбирлар тузганимизда унинг амалийлик томонига алоҳида эътибор берганмиз ва улар аниқ кўрсатилган. Чунончи, ҳар бир санаторий маъмурияти берилган буйруқ асосида тадбир ва чоралар тузиб бизга жўнатишди. Тузилган режага мувофиқ 1998 йилда оилавий йўлланма билан «Бўстон» санаторийсида 600 оила, «Ботаника»да 960, «Чинобод»да 720 оила, «Чимён»да 1200, «Чортоқ»да 1200, «Ниҳиол»да 300, «Мироқи»да 240, Абу Али ибн Сино сиҳатгоҳида 180, «Зомин»да 780 оила йўлланмалар билан соғломлаштирилади.

Оила йили муносабати билан қатор санаторийларда қўшимча тадбирлар тузиб амалга оширилаяпти. Намангандаги Чортоқ санаторийсида оилавий келганларга бинодан алоҳида жой ажратилган. Хоналар мослаштириб жиҳозланди. Болалар ўйин-машғулот хонаси ташкил қилиниб тарбиячи штати ажратилди. Оилавий даволаниш йўлга қўйилганлиги муносабати билан санаторий ҳузуридаги «Даволаш-ташхис маркази» иши янги талаблар асосида ташкил қилинди. Шу жумладан, санаторий ҳузуридаги даволаш-ташхис марказига шахсий йўл билан пулли даволанишга келган оилалар учун қулай шарт-шароитлар туғдирилди. Ҳозирда «Чортоқ» санаторийсида 350 нафардан зиёд киши ишлаб уларнинг 26 нафари ҳаким, 65 нафари ҳамширадир. Ҳакимларнинг 15 нафари олий тоифалидир. Ҳамшираларнинг эса 26 нафари олий тоифали. Санаторийда турли касалликларни даволаш самарадорлиги 98,5-99,6% гача бўлиб, у ҳатто мустақил ҳамдўстлик давлатлари илғор курортлари ўртасида ҳам юқори кўрсаткичдир.

Мазкур сиҳатгоҳда ҳаракат ва таянч аъзолари касалликлари, асаб тизими, ошқозон-ичак, жигар, ўт йўли, тери ва бошқа касалликлар даволаниб кўп йўналишлидир. Бу муолажаларнинг ҳаммасида энди оилавий даволанишга мослаштирилиб жуда эътиборли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрида жойлашган «Чинобод» санаторийси ҳақида ҳам оила йили муносабати билан алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Бу ерда сиҳатгоҳнинг уч бўлимидан оилавий даволанувчиларга жой ажратилди. Болалар шифокори штати киритилди. Махсус тарбиячи ажратилди. Оилавий муолажалар тизими яратилди.

Оилавий даволаш тизими муносабати билан маданий тарбиявий ишлар тадбирлари ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ санаторийда турли учрашувлар ўтказилади. Тошкент шаҳридаги зиёратгоҳ жойларга экскурсиялар уюштирилади. Ҳамза, Муқимий, сатира театрлари билан шартномалар тузилди. Республиканинг таниқли санъаткорлари иштирокида концертлар уюштирилмоқда. Шу каби маданий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Республикамиздаги яна қатор санаторийларда ҳам оилавий соғломлаштириш бўйича ишлар кенг йўлга қўйилмоқда. Бу ишни такомиллаштириш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. Тушган таклиф-мулоҳазалар ўрганилмоқда ва ҳаётга жорий этилмоқда. Жойларда эришилган илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда.

*Иқтисодий таълим*

# «БИЗНЕС ОЛАМИ» ЮКСАЛИШ УЧУН КАФОЛАТ

Мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий, демократик давлат қуриш учун астойдил ҳаракат кетаётган экан, бу йўлда ҳар томонлама билимдон, юқори малакали кадрларга нисбатан эҳтиёж ҳам ортиб бораверади.

1995 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси Университети қошида «Бизнес олами» ўқув маркази ташкил этилган эди. Ўтган 3 йил мобайнида ўқув марказида қанчалаб кишилар иқтисод, молия, тадбиркорлик соҳалари бўйича зарур билимларни эгаллаб, турли касб эгаси бўлишди. Марказнинг асосий мақсади ёшларни иқтисодиёт, тадбиркорлик ва бизнес соҳаларига йўналтириш, компьютер бўйича саводхонлигини кучайтириш, чет тилларини кенгроқ ўргатиш, шунингдек, русийзабон ёшларимизга ўзбек тилини ўргатишдан иборатдир.

- Ватанимиз келажаги ҳисобланмиш ёшларга давр талаб этаётган замонавий билимларни пухта ўргатиб бораётирмиз,- дейди ўқув марказ директори Владимир Михайлович Яковлев. - Юқори синф ўқувчилари, мактаб битирувчилари учун «Самралменежмент»и ва олий ўқув юртларига кириш учун махсус курслар ишини йўлга қўйганлигимиз шу мақсаднинг амалга оширилишига хизмат қилади, албатта.

Марказ директори тилга олган бўлимларга қизиқиш катталиги бежиз эмас. Бу борада 9-10 синф ўқувчилари учун 2 йиллик (320 соат) дастур, 11-синфда ўқиётганларга 1 йиллик (160 соат) дастур асосида таълим берилади. Дастурларга бозор иқтисодиёти асослари, менежмент бошқарув психологияси, ишбилармонлик доираси қоидалари курслари ва бошқа махсус фанлари киритилган. Махсус курс-синфларда эса реклама ва шоу-бизнес, молия бухгалтерлик ҳисоби каби соҳалар чуқурроқ ўргатилади. Бундан ташқари ўқув марказида мактабгача ва мактаб болалари учун ҳам лингвистик курслар, психология бўлимлари ишлаб турибди. Яқинда эса бу ерда «Лотин ёзуви» курслари очилгани кўпчилик учун айни муддао бўлди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, болаларга билим беришда унинг турли туман усулларидан кенг фойдаланиш айниқса қўл келар экан. Шу маънода марказда амалий машғулотлар, шоулар тез-тез ўтказилади. Шунингдек, анализ гуруҳлари, «Бизнес-экспресс» гуруҳлари ҳам фаолият юритишмоқдаки, булар ҳар хил кечалар, танловлар ва концертларни ташкил қилишмоқда.

Ўқув марказидаги таълим талай афзалликларга эгадир. Аввало машғулотлар ҳафтада 1-2 марта соат 16 дан 19 гача ўтказилади. Демак, мавжуд турмуш тарзига, яшаш тартибига жиддий ўзгартиришлар киритишга зарурат йўқ. Марказ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси Университети ҳосиласи бўлганлиги учун мазкур таълим даргоҳининг ўқитувчилари, ходимлари ўқув жараёнида фаол қатнашадилар. Бу эса ўқувчилар олдида катта масъулият турганлигидан далолат бериб туради.

**Аҳадхон АБДУҲАМИДОВ.**

## ҒОЛИБЛАР — САВДО ХОДИМЛАРИ

Жиззахда Оила йилига бағишланган спорт мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Яқинда шахмат-шашка турнири бўйича ўтказилган мусобақа Оила йилига бахшида этилди. Ўйинни Жиззах шаҳар савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ташкил этди.

Мусобақа жараёнида «Жиззах савдо» компаниясига қарашли «Шарқ» ҳиссадорлик жамият бўлим мудири Қўчқор Ҳотамов шахмат-шашка турнирида биринчи соврин билан тақдирланди. «Жиззах савдо» компаниясининг етакчи мутахассиси Шоди Муродов баҳсларнинг норасмий рекордини ўрнатди. У ҳар икки тур бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади. «Тожир-Жиззах» акционерлик жамияти 9-дўкон мудириТурсунбой Жабборов, «Олға» акционерлик жамияти сотувчиси Ойбек Ҳамроқуловлар ҳам мусобақаларда энг яхши натижаларга эришдилар. «Жиззахгўшт» акционерлик жамиятининг шарафини ҳимоя қилган Х.Тўраев учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Энди Оила йилига бағишлаб ўтказиладиган навбатдаги шахмат-шашка турнирига Жиззах вилоят савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликни турли шакллари ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлик қиладиган бўлди. Янги совринлар ўз ғолибларини кутмоқда.

**Алибой ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*1998 йил-Оила йили*

# ТАЛАБЛАРГА ҲАМОҲАНГ

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу иш Хоразм вилоят туғруқхонаси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Вилоят туғруқхонаси 280 ўринга мўлжалланган бўлиб, унинг таркибида аёллар маслаҳатхонаси, «Оила ва никоҳ» маслаҳатхонаси, «Она ва бола» туғруқ бўлими, туғишгача тайёргарлик бўлими, 2 та гинекология ва битта реанимация бўлимлари бор. Уларда 587 киши, жумладан, 97 врач, 294 ўрта махсус маълумотли тиббий ҳамшира, 134 кичик тиббий ходим ишлайди. Бу ерда ишлар ҳозир Оила йили талабларига ҳамоҳанг ташкил қилинаяпти. Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан ҳамкорликда туғруқхона ишчи-хизматчилари иш шароитини яхшилаш чораларини кўраяпти. Ҳар йил бошида барча ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиб, касалмандларни ҳисобга олиб уларга ёрдам берилмоқда. Касалланган ходимларни соғломлаштириш учун санаторий-курортларга имтиёзли йўлланмалар билан жўнатилмоқда.Фақат ўтган йилнинг ўзида 17 ходим бу имкониятдан фойдаланди. 4 оила дам олиш уйида ҳордиқ чиқариб қайтди.

Туғруқхонанинг ҳар бир бўлимида дам олиш, озиқ-овқатларни қабул қилиш хоналари бор, велотренажёрлар қўйилган, машқ хоналари ташкил этилган.

Касаба уюшма қўмитаси ходимларининг касб-ҳунар малакаларини оширишга қаратилган тадбирларни бажаришга фаол қатнашмоқда. Ҳар йили «Ҳамшира» кўрик-танлови ўтказилаяпти, унинг ғолиблари вилоят «Ҳамшира» кўрик-танловида ҳам қатнашаяпти.

Туғруқхона ходимлари ўртасида турли спорт мусобақалари ҳам ўтказиляпти. Вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши ташкил этаётган спартакиадаларда ҳам муваффақиятли қатнашаяптилар. Ўтган йили спортчилар учинчи ўринни олиб совринга сазовор бўлдилар.

Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш учун маъмурият билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланган. Унда барча имтиёзлар аниқ кўрсатилган. Масалан, никоҳ тўйлари ўтказиш, фарзанд кўрганда уч кунлик иш ҳақи сақланадиган қисқа муддатли таътил берилади. Шунингдек, яқинлари вафот этган ходимга ҳам ана шундай имконият яратилади.

**Шихназар АҲМЕДОВ.**

*Контрактация шартномаси — қоғозда ва амалда*

# АМАЛДА БЎЛГАНИ ЯХШИ

Маълумки,маҳсулот етиштириш ғоятда мураккаб, машаққатли меҳнат эвазига келадиган, шунинг билан бирга кўп вақт талаб этадиган жараён ҳисобланади. Эрта баҳордан то кеч кузгача меҳнат қилиб, хирмон сарҳисоб қилинганида икки қўлини бурнига тиқиб қолаверган хомашё етиштирувчилар ҳам бор, айниқса сабзавот ва полиз маҳсулотларини аниқ бир қабул қилувчи манзилга ўз вақтида топшира олмай, машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган неъматлар бузилиб қолиб, ҳатто йўлкирага ҳам куйиб қоладиган деҳқонлар ҳам бор. Охир оқибатда далада қуёш нурида кетмон чопган деҳқон куйиб қолади. Кейинги вақтларда амалда кенг қўлланилаётган контрактация шартномаси ана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олувчи, деҳқоннинг, хомашё етиштирувчининг ҳақ — ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Фақат, йил бошида, бу ҳужжатни имзолашда томонлар ўз ҳақ — ҳуқуқларини бандма — банд тўла баён этиб, ўз имкониятлари ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олиб, қоғозда акс эттирсалар, амалда ҳамма бандларнинг тўла бажарилишини таъминласаларгина шартноманинг имкониятларидан фойдалана оладилар. Олдиндан ёзиб қўйилган, кимларнингдир бир томоннинг дидига мос тушадиган қоғозга расмиятчилик учунгина имзо чекиш, ёки бевосита шу иш учун жавобгар бўлмаган кишиларнинг имзо чекиши ҳам кутилган натижаларни бермайди. Бу имзолар минглаб, миллионлаб сўмлар учун масъулият юклашини унутмаслик керак бўлади.

Оққўрғон туманидаги «Алимкент» пахта тозалаш заводи билан шу тумандаги «Гулистон» жамоа хўжалиги ўртасида 1997 йил учун имзоланган контрактация шартномаси бандлари ва унинг ижроси билан танишиш жараёнида айрим камчиликлар кўзга ташланди.

1996 йилнинг 15 декабрида жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Жуманиёз Аннаев, Алимкент пахта тозалаш заводи директори Абдулазиз Ўзбекхўжаевлар ўртасида имзоланган шартнома бўйича чигит ерга тушиб, то пахтаси териб олингунча бўлган парвариш даврида 2667 тонналик пахта хирмони юзасидан аванс тариқасида умумий ҳосил таннархининг 25 фойизи миқдорида маблағ билан таъминланиши белгиланган бўлиб, амалда хўжалик жорий ҳисобига завод томонидан 33 фойиз пул ўтказилган. Бу пуллар дала меҳнаткашларига май ойигача ойлик маош сифатида тарқатилди. «Ўздавпахтасаноатсотиш» корпорацияси томонидан тарқатилган тайёр шартнома бланкасида авансларни ойма — ой бериб бориш миқдори ва муддатлари аниқ белгиланмаган.

Шартноманинг 6 — бандида қайд этилганидай пахта терими мавсумида хўжалик ўз пахтасини қабул қилиш, қуритиш, бунтларга босиш учун мавсумда одам ажратиш мажбуриятини олган. Пахтани қуритиш, тозалаш, бунтларга босиш ишлари учун «Ўздавпахтасаноатсотиш» белгилаган баҳоларда маблағ хомашё етказиб берувчи — хўжалик томонидан тўланиши баён этилган. Шунга биноан завод хўжаликдан 116943 сўм ушлаб қолди.

Оққурғон туманининг кўпчилик туманлари баҳорда бўлиб ўтган табиий офатдан анча азият чекди. «Гулистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари ҳам пахта майдонларига чигитни икки марта, айрим майдонларга уч марталаб экиб, парваришга зўр бердилар. Натижада кузги хирмон кутилганидан ортиқ бўлса ҳам, пахтанинг навига бироз салбий таъсир кўрсатди. Шартномада кўрсатилган 2667 тонна ўрнига завод пунктларига 2704 тонна, иккинчи навга 152,6 тонна, учинчи навга 1294,3 тонна қабул қилинди.

Хўжалик 490 миллион сўм даромад қилди. Шундан биринчи навнинг бир тоннасига 23448 сўм, иккинчи навнинг бир тоннасига 20210 сўм, учинчи навнинг бир тоннасига 20420 сўм, тўртинчи навнинг бир тоннасига 14500 сўмдан тўланди. Бундай нархлар асосан давлат буюртмасидаги ялпи ҳосилнинг 70 фойизи учун тўланган бўлсада, қолган 30 фойиз пахта ҳам заводга топширилиб, ундан олинган 546 тонна тола алоҳида шартнома асосида завод орқали «Ўздавпахтасаноатсотиш»га ўтказилди. Пахтадан ажратиб олинган чигит хўжалик ихтиёрига ўтказилди. Чигит кичик корхонага топширилиб, 53 тонна ёғ иш ҳақи ҳисобидан хўжаликда меҳнат қилаётган 658 нафар меҳнаткешга тақсимланди. Терим даврида завод хўжаликка шартномада кўрсатилган 7189 минг сўм пулни ўтказиб берди. Бу кундалик теримда қатнашган меҳнаткашларга ва ҳашарчиларга терган пахталари учун тўлаб борилди. Қолган маблағ пахталарнинг навларига қараб, ҳисоб-китоб қилиниб, шартномада кўрсатилганидай терим якунида, хўжаликнинг йиллик ҳисоботи бўйича икки марта тўланди. Тола сифати аниқланиши учун 10 фойиз маблағ завод томонидан ушлаб қолинди. Тола натижаларига қараб бу маблағ хўжаликка тўланади.

Завод томонидан жамоа хўжалиги икониятига қараб пахта ташиш учун ҳар куни 2-4 тадан пахта ташишга мослаштирилган автомобиль ажратилди. Инфляцияни ҳисобга олиб, пахтани қуритиш ва бунтларга босиш учун хўжалик томонидан ажратилган беш нафар ишчига ярим оклад миқдорида маош завод томонидан ажратилди.

Контрактация шартномасида кўрсатилган асосий бандлар ҳар икки томондан ана шундай тарзда бажарилди. Жамоа хўжалиги вакили, хўжалик бошқаруви раисининг ўринбосари Абдужалил Эргашев ўтган йил якунлари бўйича хўжалик томонидан заводга эътироз йўқлигини билдирди. Лекин бу шартномада ҳам айрим ноаниқликлар борки, буни ҳам томонлар учун, айниқса хўжалик учун фойдали, деб бўлмайди. Булар пахта терими мавсумида хўжалик заводга неча киши ажратади, «Ўздавпахтасаноатсотиш» пахтани хўжаликдан ташиб келиш, қуритиш, бунтларга босиш учун қандай баҳоларда нарх белгилайди, бу одамларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини олдиндан аниқ белгинлаб қўйилмаган.

Контрактация шартномаси хомашё етказиб берувчи билан қайта ишловчи ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи қонуний ҳужжат ҳисобланади. Шундай экан, уни тузишда маҳсулот етиштирувчи имкониятлари ва эҳтиёжлари ҳам аниқ ҳисобга олинса, яхши бўлади. Бу ҳақда томонлар ушбу ҳужжатни имзолашда бамаслаҳат иш кўришса, ҳамма бандлар бўйича келишиб олинса, шу асосда шартнома матни тайёрланса ҳар икки томон учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмас эди. «Бешинчи масала, - дейилади Биринчи Чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида Президентимиз И.А.Каримов сўзлаган нутқда — бу — деҳқон меҳнатини ташкил этишнинг пировард натижалари билан боғлиқ ҳолда унинг иқтисодий рағбатлантириш омилларини кучайтиришдир».

**Темур ҲАЙДАРОВ.**

# TV

## ДУШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.30 «Ҳафтанома». 8.30 «Дилрабо тароналар». 8.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. 9.20 Болалар учун. «Қўнғироқча». 9.40 «Темурнома». Видеофильм. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 Кино янгиликлари. 10.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». 10.40 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм. 11.50 Жаҳон спорти. 12.05 «Жараён». 12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти. 12.50 — 14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 Болалар учун. «Наврўз чечаклари». 18.25 «Олам ва одам». 18.45 «Энг муҳими». 19.05 Футбол майдонларида. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.45, 22.20 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Тадбиркорлик пиллапоялари». 21.20 «Очун». 21.50 «Ҳамроз билан». Юлдуз Усмонова. 22.25 «Мозийга қайтиб». «Меҳробдан чаён» видеофильми ҳақида. 23.30 «Ахборот». 23.55 — 24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 «Ёрилтош». Мультўплам. 18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал. 19.05 «ТВ-2» шу ҳафтада. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 Туризм ҳақида. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Тарона». 21.15 «Бешинчи ўлчов». 21.35 «Санта-Барбара». Телесериал. 22.20 «15 дақиқа спорт ҳақида». 22.35 «Даракчи» (рус тилида). 22.45 Оҳанглар ва эълонлар. 22.55 «Ёш Индиана Джонс хроникаси». Телесериал. 23.45 Жаҳон мумтоз мусиқа хазинасидан. С. Рахманинов. «Биринчи концерт». Республика конкурси совриндори Гулзамон Ғуломова ижро этади. 00.15 — 00.20 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 17.20 — 20.40 20.40 «Каскадёрлар. Моҳирлар ва эпчиллар оламида». Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 21.30 Эълонлар. 21.35 Экранда сериал: «Жиноят изидан». 3-серия (Олмония). 23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.** 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». **19.05, 22.10 — Эълонлар.** 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 «Жаҳон». 20.15 «Божхирож». 20.30 «Чинор» видеоканали: «Рангинкамон». «Дидар». 21.10 «Ҳаёт карвони». 21.30 «Мусиқий танаффус». 21.35 «Умр баҳори». 21.50 «Намастэ». 22.15 «Спорттайм». 22.45 — 22.55 «Хайрли тун!».

## СЕШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Қалбим наволари». Мусиқий дастур. 9.05 Биржа ва банк хабарлари. 9.20 «Олам ва одам». 9.40 «Темурнома». Видеофильм. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 «Теран томирлар». 10.30 Инглиз тили. 11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чодир хаёл». Телеспектакль премьераси. 11.40 «Рақс алифбоси». 12.05 «Баджаҳл Бамбр». Мультфильм. 12.15 «Қишлоқ ҳаёти». 12.35—14.00 Кундузги сеанс. «Йўқолган хазина». Бадиий фильм. ** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Ов». Мультфильм. 18.30 «Умидим қолди». 19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тилга эътибор». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Адолат мезони». 1-кўрсатув. 21.25 Бир жуфт қўшиқ. 21.35 «Акс-садо». 22.10 Санъат усталарининг концерти. 22.40 Анор. «Азизим». Видеофильм. 23.30 «Ахборот». 23.55 Янги мавсум арафасида. «Спортчилар базми». 00.35—00.40 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам. 18.35 «Ёввойи ҳайвонот олами». 19.05 «Онагинам». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Мусиқий меҳмонхона». 20.30 «Ахборот». 21.00 Шарқ эстрадаси. 21.20 Кундалик. 21.30 «Спорт қитъаси». 22.00 «Даракчи». 22.10 Оҳанглар ва эълонлар. 22.20 Кинонигоҳ. Антонио Бандерас «Шартаки» фильмида. 24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00 * * 17.20 — 20.40 20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам» Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30 21.30 Эълонлар. 21.35 «Жиноят изидан». Бадиий фильм. 4-серия. 23.05—23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.** 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». 19.20 «Наволарда аён этсам». 19.45 «Телефакт». 19.55, 22.15 — Эълонлар. 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Халқ саломатлиги йўлида». 21.05 «Ўйингоҳ». 21.25 «Мусиқий дақиқалар». 21.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар». 21.55 «Хит-коллекция». 22.20 «Қувноқ кино». 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

## ЧОРШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Янграсин шўх яллалар». 9.00 «Олимпиадачилар орамизда». 9.20 «Зумраша». Болалар учун киножурнал. 9.40 «Темурнома». Видеофильм. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 «Камолот». 10.25 Алифбо сабоқлари. 10.55 Болалар учун. «Наврўзи олам». 11.20 «Остонаси тиллодан». 11.40 «Ёшлик» студияси. «Дунё кўриб, дунёлар ярат». 12.05 «Мисоли уч мушкетер». Адабий кўрсатув. 12.40 «Шукуҳ». 12.55 — 14.00 Кундузги сеанс. «Учрашув». Телевизион бадиий фильм. ** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил ҳажвия, ҳангома. 18.35 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...» 18.40 «Солиқ ва назорат». 19.05 «Бу гулшан соз». Мусиқий дастур. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 21.20 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан...» 21.50 «Адолат мезони». 2-кўрсатув. 22.20 «Келин-куёв». Телешоу. 23.10 «Ахборот». 23.35 «Ёшлар табассуми». 00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи» (рус тилида). 18.15 Жаҳон халқлари эртаклари. 18.35 «Биринчи бўса». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 19.05 «Дойче Велле» тақдим этади... **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Маслаҳат». 20.10 «Нафис мажлислар». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Кулгига нима етсин». 21.20 «Хонадон». 21.40 «Санта-Барбара». Телесериал. 22.25 «Даракчи» (рус тилида). 22.35 Оҳанглар ва эълонлар. 22.50 «Гап йўқ». 23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси 6.30 — 8.00 * * 17.20 — 20.40 20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури. Россия давлат телевидениеси. 21.00 — 21.30 21.30 Эълонлар. 21.35 «Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари». Бадиий фильм. 23.10 «Доира оҳангида». Фильм-концерт. 23.25—23.45 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси** 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05, 22.10 Эълонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.00 «Спорт-лотто». 20.10 «Парвоз». 20.30 Дилрабо тароналар. 20.45 «Автосалтанат». 20.55 «Аския». Телефильм. 21.40 «Дурдаршан». 22.15 «Яхши кайфият». 23,05—23.15 «Хайрли тун!».

## ПАЙШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 —8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур. 9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Баҳор лавҳалари». 9.20 Болалар учун. «Меҳржон». 9.40 «Темурнома». Видеофильм. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал. 10.30 Янги алифбони ўрганамиз. 11.00 «Спортчилар сулоласи». 11.15 «Шоирлар — болаларга». 11.40 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 12.05 Кундузги сеанс. «Сеҳрли тун». Бадиий фильм. 13.10—14.00 «Келин-куёв». Телешоу. ** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Умид учқунлари» Тележурнал. 18.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув. 19.00 «Ҳидоят сари». **19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Юзма-юз». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Адолат мезони». 3-кўрсатув. 21.30 «Оталар чойхонаси». 22.25 «Битик». 22.50 «Бозор рақобати — сифат кафолати». 23.10 «Сеҳрли шўъла». Кинокўрсатув. 23.30 «Ахборот». 23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур. 18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.50 «Дилнавоз садолар». 19.00 «Катта танаффус». Телеўйин. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Сир». 20.15 «Одобнома». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Мутойиба». 21.20 «Олис ва яқин Ҳиндистон». 21.40 «Даракчи». 21.50 Оҳанглар ва эълонлар. 22.00 Оилавий экран. «Мистер Питкиннинг касалхонадаги саргузаштлари». Кинокомедия (Англия). 23.30 «Тун». 24.00 — 00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00 * * 17.20 — 20.40 20.40 «Болаларга бахшида умр». Телекўрсатув. Россия давлат телевидениеси 21.00 — 21.30 21.30 Эълонлар. 21.35 «Жонни Мнемоник». Фантастик фильм (АҚШ). 23.05 — 23.25 «Ахборот»( рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.** 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.10 «7 дан 70 гача». 19.35 «Ҳамшаҳарлар». 19.55, 22.50 Эълонлар. 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув. 21.15 «Интерспорт». 21.35 «Минг бир маслаҳат». 21.50 «Италияда баҳор». 22.35 «02» тўлқинида. 22.55 «Киносалон». 00.25 — 00.35 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 «Қўшиқ санъати ва давр». 8.55 «Юзма-юз». 9.15 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси». 9.40 «Темурнома». Видеофильм. **10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.** 10.05 Немис тили. 10.35 «Зийнат». 10.55 «Компьютер сабоқлари». 11.20 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув. 11.45 «Хўжалик ва ҳуқуқ». 12.05 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти. 12.45 — 14.00 Кундузги сеанс. «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм. ** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Серғайрат кампир». Мультфильм. 18.20 «Ғазалхон ёшлигим». 18.40 «Иш билганга — минг танга». 19.00 «Диёрим Ўзбекистон». Қодир Жўрақулов куйлайди. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Дунё адабиёти». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ахборот». 21.00 «Иқтисод алифбоси». 21.30 «Равзаи жаннат боғи». Мусиқий дастур. 22.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро). 23.00 «Ахборот». **«Мунаввар дунё». Маърифий дам олиш дастури:** 23.25 «Азиз сиймолар». 23.45 Бадиий фильм. 01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 Болалар учун фильм. «Аралаш». 18.40 «XX асрнинг улуғ жумбоқлари». Телесериал. 19.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Тақдим». 20.10 «Акс». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Туйғуларим». 21.05 «Яхши дам олинг». 21.20 «Санта-Барбара». Телесериал. 22.05 «Даракчи». 22.15 Оҳанглар ва эълонлар. 22.25 Бокс. Бокс. Бокс. 22.45 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари». 00.05 — 00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!.

III

17.10 Киноафиша. 17.15 Янгиликлар. Россия жамоат телевидениеси. 6.30 — 8.00 * * 17.20 — 20.40 20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур. Россия давлат телевдениеси. 21.00 — 21.30 21.30 Эълонлар. 21.35 «Буч Кессиди ва Сандес Кид». Бадиий фильм. 23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

**17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси** 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05, 21.40 — Эълонлар. 19.10 «Морена Клара». Телесериал. 19.55 «Уй остонадан бошланади». 20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.45 «Наволарда аён этсам». 21.10 «Дурдаршан». 21.45 Кинематограф. 23.05 Араб эстрадаси. 23.35 — 23.45 «Мунаввар тонг истаб».

## ШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах. 9.00 «Шоҳруҳ» клуби. **«Ёшлик» студияси намойиш этади:** 9.20 «Сени Ватан кутади». 9.40 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат». 10.00 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 10.40 «Шеър ва шуур». 10.50 Туркий қавмлар. Найман. 11.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар». 11.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шифобахш маскан». Премьера. 11.50 Эстрада тароналари. 12.20 Кундузги сеанс. «Имконият». Бадиий фильм. 13.35—14.05 «Маънавият». Публицистик кўрсатув. ** 15.55 Кўрсатувлар тартиби. 16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — Андижон (Андижон). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Мусаввир». Телефильм. 17.50 Мультолам. 18.10 Жаҳон спорти. 18.20 «Ҳайрат». Бадиий- публицистик кўрсатув. 18.40 «Бахтли воқеа». **19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Оқшом эртаклари. 20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида), 20.15 «Омонлик тилаймиз». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи». 21.25 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов. 22.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас» 22.50 «Ахборот». **«Тунги ёғду» дам олиш дастури.** 23.15 «Мусиқий саёҳат». 23.35 «Жан Кристофф». Бадиий фильм. 7—8-сериялар. 01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Болалар учун фильм. «Аралаш». 9.25 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль 1-қисм. 10.30 Бокс. Бокс. Бокс. 10.50 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал. 11.40 Болалар экрани. «Астерикс-2» 12.50 «Дойче Велле» тақдим этади... 13.10 «Жонни Квест саргузаштлари». Мультфильм. 13.30 «Нью-Йорк». Телесериал. 14.20 Кўрсатувлар дастури. 14.25 «Гиннес шоуси». 14.50 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. 15.40 «Мутойиба». 16.00 «Спорт қитъаси». 16.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон». 16.50 «Ўғирланган». Телесериал. 17.40 «Кулгига нима етсин». 18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «У ким? Бу нима?». 18.30 «Сувости дунёсига саёҳат». 19.00 «Дилбарим». 19.15 «Гулдаста». Мусиқий дастур. **19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.** 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.55 «Бизнес-академия». 20.10 «Ханда дўкони». 20.30 «Ахборот». 21.00 «Меҳри —дарё». 21.30 «Даллас». Телесериал. 22.20 «Кўнгил кўнгилга пайванд». 22.50 «Даракчи». 23.00 «Спорт қитъаси». 23.30 Оҳанглар ва эълонлар. 23.40 Кинонигоҳ. Жеймс Вудс «Бестселлер» детективида. 01.10—01.15 Тунингиз хайрли бўлсин!.

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. 17.10 «Цирк. Цирк. Цирк». Россия жамоат телевидениеси. 17.40 — 22.45 * * 22.45 Эълонлар. 22.50 «Уддабурон аёл». Бадиий фильм. 00.10 — 00.40 «Наврўз». Телефильм.

IV

10.00 «Спектаклдан сўнг». 10.20 Эълонлар. 10.25 «Шанба эртаги». 11.35 «Ассалом, Франция!». 11.55 Кундузги сеанс. 13.25 — 13.55 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз»(«Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун). * * **17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.** 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 18.50 «Мульттомоша». 19.05 Авторейд. 19.15 «Далил ва шарҳ». 19.30 «Рақслар қанотида». 19.55, 21.05 — Эълонлар. 20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 20.45 «Хит-коллекция». 21.10 Киносалон. 22.40 «Спорт-марказ». 23.25—23.35 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 — 8.25 «Ахборот». 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Зиёрат». 11.10 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». 12.00 «Ер тилсимини очиб». 12.30 Кундузги сеанс. «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм. 14.00—14.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» (Қарши)—«Сурхон» (Термиз). ** 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бегемот билан бўлган воқеа». Мультфильм. 18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин. 18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув. **19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.** 19.30 «Панорама» (рус тилида). 20.00 «Якшанба оқшомида» дам олиш дастури. 20.30 «Ҳафтанома». 21.05 Телевизион миниатюралар театри. **Спорт дастури:** 21.45 Спорт. Спорт. Спорт. 22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. МҲСК — «Хоразм» (Урганч). **«Аср мўъжизаси» кинодастури.** 22.50 Кино янгиликлари. 23.05 Ўзбек киноси ижодкорлари. 23.25 «Махфий дипломатия». Бадиий фильм. 1-серия. 00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

II

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «У ким? Бу нима?» 9.15 Ў. Ҳошимов. «Дунёнинг ишлари». Телеспектакль. 2-қисм. 10.20 «Гулдаста». Мусиқий дастур. 10.30 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари». 11.50 «Бизнес-академия». 12.05 «Таурас куч тўпламоқда». Телесериал. 12.55 Болалар экрани. **«Якшанбада яхши дам» дастури:** 13.10 Кўрсатувлар дастури. 13.15 «Сиз ёқтирган қўшиқлар». 13.30 «Нью-Йорк». Телесериал. 14.20 Жаҳон халқлари эстрадаси. 14.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал. 15.20 «Интер-футбол». 16.05 «Бари ҳазил». 16.30 Мультипанорама. 16.50 «Ўғирланган». Телесериал. 17.40 Келгуси ҳафтада. 18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Даракчи». 18.15 «Сувости дунёсига саёҳат». 18.40 «Бўш ўтирма». 19.00 «Турфа олам». **19.25, 19.55, 20.25 — Эълонлар.** 19.30 «Панорама» (рус тилида). 20.00 «Нафосат». 20.10 «Жараён». 20.30 «Ҳафтанома». 21.00 «Изҳор». 21.20 «Даракчи». 21.30 «Даллас». Телесериал. 22.20 «Миллионлар ўйини». 22.40 Тақвим. Оҳанглар ва эълонлар. 22.50 Якшанба кинозали. «Атиргуллар жанги». 00.40—00.45 Тунингиз ҳайрли бўлсин!

III

17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар. Россия жамоат телевидениеси. 17.25 — 23.45 23.45 Эълонлар. 23.50 — 00.15 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!». 9.30 «Парле ву франсэ?». 9.55 «Якшанба эртаги». 11.35 «Ўзбекистон янгиликлари»(инглиз тилида). 11.45 Клип-антракт. 12.00 Киносалон. 13.45 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув. 14.15 «Жонли сайёра». 14.35 Клип-антракт. 14.45 Кундузги сеанс. 16.30 Мультэкран. 16.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг». **17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.** 18.45 «Мульттомоша». 19.00, 21.55 Эълонлар. 19.05 «Кобра». Телесериал. 19.50 «Бугунги кун мавзуси». 20.05 Клип-антракт. 20.15 «Хайрли оқшом». 20.45 «Иштирок этувчилар». 21.05 Жаҳон киноси янгиликлари. 21.35 «Мусиқий Олимп». 22.00 Киносалон. 24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

# 30-КАНАЛ КЎРСАТУВЛАРИ

## ДУШАНБА, 30

**16.30 ГА ҚАДАР ЛИНИЯДА ПРОФИЛАКТИКА.**

16.25 Кўрсатувлар тартиби.
16.30 «Меросхўр». Телесериал (Бразилия).
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал (Франция).
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал (Франция).
18.50 «Лабиринт». Телесериал (Бразилия).
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал (Мексика).
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 Хорижий хит. «Энди улар бандитлар». Саргузашт фильм.
23.10 «Антонелла». Телесериал (Аргентина).
00.15 Тунги сеанс. «Ўн икки стул». Комедия. 1-серия.
01.20 «Спорт-курьер».

## СЕШАНБА, 31

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Юлдузлар ёғилганда». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 Тонгги сеанс. «Карнавал». Мусиқий комедия.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 Кундузги сеанс. «Транзит». Мелодрама. 1-серия.
15.25 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 Оилавий кино. «Бола тилидан». Криминал драма.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Ўн икки стул». Комедия. 2-серия.
01.25 «Спорт-курьер».

## ЧОРШАНБА, 1

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «МИХ» А. Укупник билан.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 Тонгги сеанс. «Темир легион». Триллер.
12.35 «Чарли Чаплин ҳузурида меҳмонда».
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 Кундузги сеанс. «Транзит». Мелодрама. 2-серия.
15.25 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Глашанинг эртаклари».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».

**18.20 — 02.00 «30-КАНАЛ» 1 АПРЕЛ КУЛГИ МАРАФОНИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ.**

## ПАЙШАНБА, 2

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Висол». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 Тонгги сеанс. «Ўшанда, урушдан олдин». Мелодрама.
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 Кундузги сеанс. «Нишонга тушди». Детектив. 1-серия.
15.30 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мушук Порфирий». Болалар учун дастур.
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 Оилавий кино. «Энага». Саргузашт фильм.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Ўн икки стул». Комедия. 3-серия.
01.35 «Спорт-курьер».

## ЖУМА, 3

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 «Музқаймоқ». Мусиқий дастур.
10.30 Тонгги сериал.
11.00 Тонгги сеанс. «Стрелкачи». Мелодрама.
12.30 «Хит-коктейль».
13.00 «Касби — шифокор». Телесериал.
14.00 «ТВ-ҳамкор».
14.20 Кундузги сеанс. «Нишонга тушди». Детектив. 2-серия.
15.30 «Хит-коктейль».
15.50 «Карапуз-ТВ».
16.15 «Мусиқий коллекция».
16.30 «Меросхўр». Телесериал.
17.30 «Қўшни қизлар». Ўсмирлар учун телесериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.
18.50 «Лабиринт». Телесериал.
19.45 «Спорт-курьер».
20.00 «ТВ-ҳамкор».
20.20 «Алондра». Телесериал.
21.00 «Клип-сюрприз».
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Офицерлар». Мелодрама.
23.10 «Антонелла». Телесериал.
00.15 Тунги сеанс. «Ўн икки стул». Комедия. 4-серия.
01.35 «Спорт-курьер».

## ШАНБА, 4

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ».
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Брюс Лазер» таништиради...
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Сериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал (АҚШ).
15.00 Замонавий кўҳна эртаклар. «Зое кетган вақт ҳақида эртак». Болалар учун фильм.
16.30 «А дан Я гача».
17.00 Мультсериал.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.40 «Музқаймоқ». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).
22.10 «Икковлон». Телесериал.
23.05 «Юлдузлар ёғилганда».
23.30 «Видеомода».
24.00 Премьера, қайсики бўлмаганди. «Ҳеч қачон». Драма.

## ЯКШАНБА, 5

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-ҳамкор».
9.25 «Карапуз-ТВ»
10.00 Ҳужжатли кино.
11.00 «Брюс Лазер» таништиради...
12.45 «Устозимиз доктор Шпехт». Сериал.
13.40 «ТВ-ҳамкор».
14.00 «Лос-Анжелес қонуни». Детектив сериал.
15.00 «Брюс Лазер» таништиради...
17.00 «МИХ» В. Алентова билан.
17.30 «Моделлар академияси». Ёшлар учун сериал.
18.00 «ТВ-ҳамкор».
18.20 «Манстровлар оиласи». Комик сериал.
19.00 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
19.50 «ТВ-ҳамкор».
20.10 «Альфред Хичкок таништиради». Телесериал.
20.40 «Висол». Мусиқий дастур.
21.10 «ТВ-ҳамкор».
21.30 «Клип-сюрприз».
21.40 «Кордье». Детектив сериал (АҚШ).
23.05 «XL-music». Мусиқий дастур.
24.00 Фестиваллар фестивали. «Лўли». Драма.

